БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 257 (16.340) | 2 ноябрь 1975 йил, якшанба | Баҳоси 2 тийин

КПСС XXV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

БАЙРАМОЛДИ МЕҲНАТ ВАХТАСИ

ЮТУҚЛАРИМИЗ — ОКТЯБРГА!

ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Наманган областидаги Наманган районининг ва Андижон областидаги Андижон районининг пахтакорлари КПСС XXV съездини ва Узбекистон Компартиясининг XIX съездини муносиб кутиб олиш учун зардбор меҳнат вахтасида туриб, пахта тайёрлаш халқ хўжалик планларини муддатидан илгари 31 октябрда бажардилар.

Наманган районининг пахтакорлари давлат тайёрлов пунктларига 42,7 минг тонна, Андижон районининг пахтакорлари эса 60,4 минг тонна «оқ олтин» етказиб бердилар.

Наманган райони хўжаликлари пахта тайёрлаш беш йиллик халқ хўжалиги планини 104,6 процент, Андижон райони хўжаликлари эса 110 процент бажардилар.

Наманган райони пахтакорлари ўз имкониятларини чамалаб кўриб, ялпи ҳосилни 46 минг тоннага, Андижон райони пахтакорлари эса 66 минг тоннага етказиш, қолган пахтани ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини қисқа муддатларда нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш, келгуси йил ҳосили учун кузги-қишки ишларни ва чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказиш мажбуриятини олдилар.

Ильич районидаги Турғун Аҳмедов номли совхоз деҳқонлари бу йил пахтадан айниқса юқори ҳосил етиштиришди. Ҳосилнинг ҳаммаси машиналар бункеридан тўкилаётир. Хўжалик пахта тайёрлаш планини деярлик икки баравар ошириб бажарди. Суратда: совхознинг моҳир механизатори, Узбекистон ССР Олий Советининг депутати, комсомол аъзоси Эгамқул Қаршиев. Шу кунгача у 100 тоннага яқин машина билан пахта терди.

А. Горокрик фотоси. (ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи тўққизинчи чақириқ Олий Советининг тўртинчи сессияси 1975 йил 2 декабрда Москва шаҳрида чақирилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1975 йил, 1 ноябрь.

Жазоир Халқ Демократик Республикаси революцион кенгашининг раиси, министрлар кенгашининг раиси Хуари БУМИДДИН жанобларига

Жазоир революциясининг XXI йиллиги муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети, Совет Иттифоқи халқлари номидан ва шахсан ўз номимиздан сизга, Революцион кенгашга, Миллий озодлик фронти партиясига, ҳукуматга ва бутун Жазоир халқига самимий табрик ва энг яхши тилакларимизни йўллаймиз.

Африкада миллий озодлик ҳаракатини ривожлантиришда жуда катта роль ўйнаган Жазоир революцияси ғалабасидан кейин ўтган йиллар мобайнида Жазоир халқи муҳим социал-иқтисодий ўзгаришларни амалга оширди, миллий экономика ва маданиятни юксалтириш соҳасида катта муваффақиятларга эришди.

Совет кишилари дўст Жазоир халқи қўлга киритган муваффақиятларни табриклаб, унинг ўзи танлаб олган социалистик тараққиёт йўлида янги зафар ва ғалабаларга эришувини тилайдилар.

Мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатлари мамлакатларимиз халқларининг бахт-саодати йўлида, тинчлик, халқаро ҳавфсизлик ва тараққиёт манфаатлари йўлида бундан буён ҳам мустаҳкамланиб, ривожланиб боришига аминмиз.

Л. И. БРЕЖНЕВ, Н. В. ПОДГОРНИЙ, А. Н. КОСИГИН

ЧОРВАДОР

Чорвадор — мўл-кўлчилик, қут-барака дарёсининг бунёдкори. Халқимизга армуғон этилаётган бўрдоқи ва сўқим гўштлар, серёг, сут ва сут маҳсулотлари, жимжимадор қорақўл терилар ижодкори — чорвадор. Айни вақтда у ихтирочи, янгиликларни синовчи, фаровонлик ва равнақ йўлида изланувчи, янги насллар яратувчи матонатли, камтарин инсон.

Чорвадор иродаси — баҳодирлик ифодаси. Унинг учун йилнинг тўрт фасли баб-баровар. Қишнинг совуқ кунлари ҳам, ёзнинг жазирама чилласи ҳам уни тиз чўктиролмайди. Чорвадор қўлидаги сон-саноқсиз чорвасининг тақдирини ўйлайди, унинг ҳар бирини кўз қорасидек асрайди, бўрону-қуюмлар олдида тиз чўкмайди, қийинчиликларни енгади, асло енгилмайди. Чунки, у ўз халқига, партиясига хизмат қилаётир. У кенг яйловлар, бепоён қир-адирлар султони. Яйловларда илк бор баҳор ҳидини сезган ҳам чорвадор. У ҳаммадан олдин тонгни қаршилайди. Чорва тақдири, эл-юрт ташвиши ҳақида елиб-югуради, тиним билмайди. Чунки, эл-юрт шу сон-саноқсиз бойликни унга ишониб топшириб қўйган. У ўз қарамоғидаги чорва моллари ва маҳсулдорлигини ошириш, туёқлар сонини кўпайтириш ташвиши билан яшайди.

Чорвадорлар партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрликлари билан ҳар томонлама қамраб олинган. Уларга савдо, медицина, маданий-маиший хизмат кўрсатиш, хуллас, талаб ва эҳтиёжларини қондириш ҳамиша партия ва совет ташкилотларининг диққат-марказида. Чорвадорлар яшайдиган узоқ ва тоғли районларга вертолёт ва махсус самолётлар парвоз қилмоқда, етарли озиқ-овқат, дори-дармонлар етказиб берилмоқда.

Республикамиз чорвачилик районларида яйловларнинг унумдорлигини оширувчи яйлов-мелиоратив бошқармалари ташкил этилган. Бу ташкилотлар яйловларда қудуқ қазиб, қўйчилик фермаларига сув чиқармоқда, катта майдонларда сансовулзорлар ва ўтлоқлар ташкил этмоқда. Шу йўл билан Конимех, Томди, Нурота, Ому воҳаси ва Қашқадарё яйловларининг унумдорлиги оширилди.

Чорвачилик тармоқлари жуда кенг. Қўйчилик тақдири асосан чўпонларнинг жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишларига ва ўз касбини ардоқлашларига боғлиқ, албатта. Қашқадарё область Деҳқонобод районидаги «СССР 50 йиллиги» совхозининг бош чўпони, Ленин ордени кавалери, Узбекистон ССР Олий Совети депутати Расул Жабборов, шу райондан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мамат Абдумуродов, нуроталик Файзихон Қўнусов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Норбой Эргашев, Ульянов районидан Тўймурод Нуриевлар ана шундай марди-майдонлар жумласидан. КПСС XXV съездини меҳнатда катта армуғонлар билан кутиб олиш юзасидан улар бошлаган ватанпарварлик ҳаракати барча чорвадорлар ўртасида кенг қанот қоқмоқда.

«Биз чорвачиликни юксалтириш масаласини бир неча бор муҳокама қилдик... Эндликда гап қишлоқ хўжалигининг ана шу муҳим тармоғини замонавий индустриал негизга кўчириш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва марказлаштиришни чуқурлаштириш тўғрисида бораётир», — деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев. Ҳақиқатан ҳам жамоат чорвачилигини бутун чоралар билан ривожлантириш, маҳсулдорлигини ошириш ва чорвачиликни саноат асосига кўчириш ғоят муҳим вазифа ҳисобланади. Чорвачиликни ихтисослаштириш ва концентрациялаш йўлида катта қадамлар қўйилмоқда. Кўплаб қорамолчилик, бўрдоқичилик хўжаликлари, паррандачилик, фабрикалари, колхозлараро бўрдоқичилик базалари ташкил этилмоқда. Чорвачиликни механизациялашга дадил киришилди. Республиканинг бир қатор хўжаликларида қўл кучи билан бажариладиган оғир ишлар тўла механизациялаштирилмоқда. Фан-техника ютуқлари, илғор тажриба чорвачиликка кенг жорий қилинмоқда.

Чорваси тўқнинг — нўғли тўқ. Озуқа мўл-кўллиги — чорва маҳсулдорлиги дегани. Бунга амал қилган чорвадор ҳар қандай шароитда ҳам ҳар бош қўй-қўзи, ҳар бош соғин сигир учун камида 4-5 центнердан ҳашак, етарли миқдорда концентрат жамғаради. Бу йилги шароит чорвадор учун айниқса оғир келди. Ёғингарчилик кам бўлди. Яйловларда ўт кутилганча ўсмади. Бундай шароитда тадбиркорлик билан иш кўриш лозим бўлади. Пахта, беда ва маккажўхорини алмашлаб экиш йўли билан озуқа, ҳам дон кўпайтирилди. 1 миллион тоннадан кўпроқ маккажўхори дони ва етарли миқдорда кўппоя етиштириш учун бошланган кураш яхши самералар беряпти. 1 миллион тоннадан кўпроқ силос бостирилди. Колхоз ва совхозларда донадор озуқа тайёрлаш цехлари қурилди. Уларнинг иши бутун чоралар билан кучайтирилди.

Чорвадорлик — шарафли касб. Аммо, чорвачиликни малакали кадрлар билан мустаҳкамламай туриб, бу муҳим соҳани комплекс ривожлантириш мумкин эмас. Ҳар бир колхоз ва совхозда олий маълумотли чорвачилик мутахассислари, зоотехниклар, малакали чўпонлар бўлишига эришиш зарур. Республикамизнинг Нурота, Зомин, Фориш каби чорвачилик районларида чўпонлик касбини ардоқлаш, мутахассис кадрлар тайёрлаш, уларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш соҳасида диққатга сазовор ишларни амалга оширмоқдалар. Бироқ, олий ва ўрта махсус маълумотли зоотехниклар, ветврачлар ҳамма районларда ҳам мавжуд, деб бўлмайди. Чорвачилик кадрлари тайёрлашни тубдан яхшилаш лозим. Бунинг учун жойларда чорвачилик касблари бўйича махсус нурслар ва тажриба мактаблари ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Чорвадор учун муҳим ва масъулиятли даврда — чорва қишлови бошланмоқда. Қишлов чорвадор учун ҳамиша синов бўлиб келган. Партия ва совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхоз раҳбарлари ҳамда мутахассислари қишловни бутун чоралар билан намунали ташкил қилишлари керак. Бунинг учун чорва бинолари ремонтдан чиқарилган бўлиши шарт. Йўл-кўприкларни тузатиш, фермалардаги янги қурилишларни охирига етказиш, усти очиқ ва ёпиқ қўйхоналарни кўпайтириш лозим. Бу ишда ҳар бир қўй ва қорамолга етарли сенаж ва силос бостириш, витаминли ўт уни тайёрлаш, жамғарилган донадор озуқа ва емхашакни чорва моллари қишлайдиган жойларга элтиб қўйиш нечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифадир. Чорвачиликка раҳбарликни янада яхшилаш, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг ҳамиша диққат-марказида туриши даркор.

Вазифа — чорвачилик маҳсулотлари сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш ва партиямиз XXV съездини муносиб совғалар билан кутиб олишдан иборатдир. Бу ҳар бир чорвадорнинг она-Ватан, халқ ва партия олдидаги муқаддас бурчидир.

ТЕРИМ ИЛҒОРЛАРИГА — ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Совети 1975 йил октябрь ойининг учинчи ўн кунлигида пахта териш ва уни давлатга сотиш юзасидан областлар, районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг якунларини қараб чиқдилар.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Сирдарё областида** (область партия комитетининг секретари ўртоқ **Хайдуров**, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Қўчқоров**, область қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Ибодуллаев**, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси ўртоқ **Шодиев**, «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси ўртоқ **Хобта**, область суғориш системаларининг бошлиғи ўртоқ **Турсунов**, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Абдураимов**] қолдирилди. Бу область пахта тайёрлаш йиллик планини 110,8 процент бажарди ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 14,9 процент, машина теримини 10,7 процент кўпайтиришни таъминлади.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини **Самарқанд областига** (область партия комитетининг секретари ўртоқ **Рахимов**, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Ҳамроқулов**, область қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Йўлдошев**, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси ўртоқ **Розиқов**, «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси ўртоқ **Аракелов**, область суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Фарадьян**, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Еқубов**] беришга қарор қилинди. Бу область пахта тайёрлаш йиллик планини 92,23 процент бажарди ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 12,52 процент, машина теримини 12,7 процент кўпайтирди. Байроқ Қорақалпоғистон АССРдан олиб берилади.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи Сирдарё областининг **Сирдарё районида** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Каримов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Хўжаев**, район қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Мирқурбонов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Виноградов**, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Беков**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Йўлдошева**] қолдирилди. Бу район пахта тайёрлаш йиллик планини 114 процент бажарди ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 18,98 процент, машина теримини 17,15 процент кўпайтиришни таъминлади.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини Самарқанд областининг **Оқдарё районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Хидиров**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Ҳабибов**, район ижроия комитети раиси, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Мамараҳимов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Эрманов**, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Крючков**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Абдуллаев**] беришга қарор қилинди. Бу район пахта тайёрлаш йиллик планини 104,74 процент бажарди ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 17,9 процент, машина теримини 21,97 процент кўпайтиришни таъминлади. Байроқ Тошкент областининг Чиноз районидан олиб берилади.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи Сирдарё областининг **Оқолтин районида** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Тетуев**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Фозилов**, район қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Шукуров**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Торибоев**, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Зулқайнаров**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Қудриддинов**] қолдирилди. Бу район пахта тайёрлаш йиллик планини 132,97 процент бажарди ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 15,54 процент, машина теримини 9,8 процент кўпайтиришни таъминлади.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини Сурхондарё областининг **Термиз районида** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Чориев**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Назарова**, район қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Саъдуллаев**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Мусаев**, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Қорасоқолов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Маматқулов**] қолдирилди. Бу район ингичка тола навли пахта тайёрлаш йиллик планини 95,93 процент бажарди ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 11,6 процент, машина теримини 8,72 процент кўпайтиришни таъминлади.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи Бухоро область Навоий районидаги **«Нарпай» совхозида** (совхоз директори ўртоқ **Умаров**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Гулинова**, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ **Бозоров**, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ **Мустафоев**] қолдирилди. Бу совхоз пахта тайёрлаш йиллик планини 79,1 процент бажарди ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 24,55 процент, машина теримини 7,37 процент кўпайтиришни таъминлади.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини Қашқадарё область Ульянов районидаги **«Ш Интернационал» совхозига** (совхоз директори ўртоқ **Турсунов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Қаноатов**, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ **Набиев**, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ **Бекназаров**] беришга қарор қилинди. Бу совхоз пахтанинг ингичка толали навларини тайёрлаш йиллик планини 119,1 процент бажарди ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 20,26 процент, машина теримини 19,01 процент кўпайтиришни таъминлади. Байроқ Сурхондарё область Термиз районидаги «Таллимарон» совхозидан олиб берилади.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини Самарқанд область Оқдарё районидаги **К. Маркс номли колхозга** (колхоз правлениесининг раиси ўртоқ **Невараев**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Очилов**, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ **Зиёмов**] беришга қарор қилинди. Бу колхоз пахта тайёрлаш йиллик планини 122,83 процент бажарди ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 25,33 процент, машина теримини 26,78 процент кўпайтиришни таъминлади. Байроқ Тошкент область Чиноз районидаги, «Узбекистон ССР 30 йиллиги» колхозидан олиб берилади.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини Қашқадарё область, Косон районидаги **Ульянов номли колхозга** (колхоз правлениесининг раиси ўртоқ **Холмуродов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Тошев**, комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Баратов**] беришга қарор қилинди. Бу колхоз пахтанинг ингичка толали навларини тайёрлаш йиллик планини 81,24 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 16,39 процент, машина теримини 17,59 процент кўпайтиришни таъминлади. Байроқ Наманган область, Янгиқўрғон районидаги «Москва» колхозидан олиб берилади.

Наманган областидаги **Наманган райони** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Охунов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Мўминов**, район қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Йўлдошев**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Абдуғаниев**, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Юсупов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Тошпўлатов**].

НАМАНГАН ПАХТАСИ

Наманган областининг пахтакорлари тўқиизинчи беш йиллигининг якунловчи йилида олинган юксак мажбуриятларни бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини муддатидан илгари, 31 октябрда 100 процент қилиб бажардилар.

Тайёрлов пунктларига 392,4 минг тонна пахта, шу жумладан 6,2 минг тонна пахтанинг ингичка толали навлари етказиб берилди, ҳосилнинг 80 процентдан кўпроғи биринчи сортларга қабул қилинди.

Пахта тайёрлаш беш йиллик плани 108,8 процент бажарилди, давлатга 2054,7 минг тонна пахта сотилди, бу эса планда белгиланганидан 165,4 минг тонна кўпдир.

Задарё, Учқўрғон, Тўрақўрғон, Норин, Поп, Уйчи ва Наманган районларининг хўжаликлари пахта тайёрлаш планини бажарганликлари тўғрисида областда биринчи бўлиб рапорт бердилар. Областдаги 65 колхоз ва совхоз, 953 пахтачилик бригадаси пахта тайёрлаш халқ хўжалик планларини бажариб, ҳозир социалистик мажбуриятлари ҳисобига пахта тайёрламоқдалар.

Пахта териш ва давлатга топшириш давом этмоқда.

Наманган областининг меҳнаткашлари Ватанга 430 минг тонна пахта топширишдан иборат тўқиизинчи беш йиллигининг якунловчи йили учун олган юксак социалистик мажбуриятларини бажариш, ҳосилни сўнгги кўсагигача қисқа фурсат ичида йиғиб-териб олиш, бошқа қишлоқ хўжалик экинларини йиғиштириб олишни тугаллаш, 1976 йил ҳосили учун кузги-қишки ишларни ва чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказиш, КПСС XXV съездини меҳнатда янгиданянги муваффақиятларга эришиш билан кутиб олиш учун бор куч-ғайратларини сарф-ламоқдалар.

ЧЎЛҚУВАРЛАР МАРРАСИ

«Голодностепстрой» совхозларининг меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб ва партия XXV съезди шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириб, шу йил 31 октябрда давлатга пахта топшириш йиллик планини бажардилар. Ватан чўлқуварлардан 138 минг тонна пахта қабул қилиб олди. Машиналар билан 100 минг тонна пахта терилди.

Ворошилов номли, Сегизбоев номли, «Фарҳод», Абай номли, Собир Раҳимов номли, Кичанов номли совхозлар пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар ва йиғим-терими эўр уюшқоқлик билан ўтказдилар.

Жиззах чўлида янгидан ташкил этилган Ульянов номли совхоз пахтакорлари биринчи бўлиб планни бажаришга эришдилар. Кичанов номли совхознинг Ахмаджон Валиев бошлиқ бригадаси 210 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан, Ворошилов номли совхознинг Оппоғой Рустамова бошлиқ бригадаси 88 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 51 центнердан ҳосил етиштириб, юксак натижаларни қўлга киритдилар. Оппоғой Рустамованинг ўзи машинада 245 тонна пахта теріб берди. Абай номли совхознинг ўртоқ Ҳайдаров бошлиқ бригадаси 44,5 центнердан ҳосил кўтарди.

«Фарҳод» совхозидан Нормуродов, Жабборов, Ворошилов номли совхозлар Жўраев, Шералиев, Абай номли совхоздан Бобобеков каби механик-ҳайдовчилар йиғим-теримда яхши ишладилар.

Етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишда Тошкент олий ва ўрта ўқув юртларининг студентлари катта ёрдам бердилар. Айни вақтда совхозларнинг коллективлари социалистик мажбуриятларини бажариш учун астойдил курашмоқдалар.

1975 — 5.200.000 ТОННА УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 1 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Областлар	Бир кунда	Жами бошидан	шу жумладан машинада: Бир кунда	шу жумладан машинада: Жами бошидан
ТОШКЕНТ	0,60	112,52	0,38	110,80
СИРДАРЕ	0,87	110,18	0,39	111,32
АНДИЖОН	0,51	108,00	0,32	90,12
ҚҚАССР	0,57	107,25	0,53	95,60
СУРХОНДАРЕ	0,58	100,80	0,49	94,30
ФАРҒОНА	0,70	100,02	0,73	77,25
НАМАНГАН	0,75	100,02	0,11	84,77
Хоразм	1,02	98,20	1,33	61,82
Қашқадарё	0,67	94,17	0,85	64,15
Самарқанд	1,12	92,23	0,90	62,81
Жиззах	0,73	92,04	0,21	75,17
Бухоро	0,56	71,36	0,11	17,21
Республика бўйича:	0,72	98,43	0,53	79,33
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
НАМАНГАН	1,63	158,53		
Бухоро	1,18	96,31		
Сурхондарё	1,03	96,16		
Қашқадарё	1,54	81,67		
Республика бўйича:	1,19	94,55		

ХУРМАТ ТАХТАСИ

1975 йилда пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажарганлиги учун қуйидагилар республика «Ҳурмат тахтасига ёзиладилар.

Наманган области (область партия комитетининг секретари ўртоқ **Иброҳимов**, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Абдураззоқов**, область қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Отабоев**, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси ўртоқ **Аҳмедов**, «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси ўртоқ **Тимофейчев**, область суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи **Олимов**, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Эминов**].

Андижон областидаги **Андижон райони** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Еқубов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Максимов**, район ижроия комитети кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Иноқов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Маллаев**], район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Отабоев**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Султонов**.

АЛИМКЕНТЛИКЛАР ДАЪВАТИГА ЖАВОБАН

ТЎҚИМАЧИЛАРГА СИФАТЛИ ТОЛА БЕРАЙЛИК

Тошкент областидаги Алимкент пахта тозалаш заводи коллективи КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарорига жавобан оширилган социалистик мажбуриятлар олди ва барча пахта тозалаш саноати ходимларига мурожаат қилиб, уларни пахтани тозалаш вақтида толанинг йигирув хусусиятларини камайтирмаган ҳолда юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлашга чақирди. Уларнинг бу ватанпарварлик ташаббусини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қўллаб-қувватлади.

Шу кунларда республикамизнинг барча пахта тозалаш заводларида алимкентликларнинг мурожаати қизғин муҳокама қилинмоқда. Ўзбекистон пахта тозаловчилари алимкентликлар даъватига жавобан, партия XXV съездини муносиб кутиб олиш учун қўшимча резерларни қидириб топиб ишга солиш ҳамда юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида қатор тадбирларни белгиламоқдалар.

Ғиждувон пахта тозалаш заводи ишлаб чиқариш қуватларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва тайёрланаётган маҳсулот сифатини яхшилаш учун фаол курашаётган корхоналардан биридир. Завод коллективи шу мақсад йўлида янги ҳосилни қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш жараёнларини тўлдан қайта қўриб чиқди. Корхонани техник жиҳатдан қайта қуроллантириш юзасидан катта ишлар амалга оширилди. Уч босқичли тола тозаловчи ускуналар ўрнатилди. Хом ашёни жадал тозалаш мосламаси жорий қилинди. Қуритиш барабанлари анча унумдорлари билан алмаштирилди.

— **Алимкент пахта тозаловчиларининг мурожаати,** — дейди корхона директори Р. Отақулов, — **ишимизни қайта кўриб чиқишга ундади. Корхонамиз ишчилари ва мутахассислари алимкентликларнинг ташаббусига қўшилиб, тўққизинчи беш йиллик якунловчи йили маҳсулот реализация қилиш планини 20 декабрда бажариш ва пландагидан ташқари 1 миллион 600 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш мажбуриятини олди. Заводимиз азаматлари тўқимачилик саноатини юксак сифатли пахта толаси билан таъминлаш иштиёқида сифат учун курашни бундан буён ҳам авж олдира берадилар. Биз ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг энг камида 98 процентини аъло сифат билан мамлакат тўқимачиларига жўнатиш учун барча чораларни кўрамиз**

Пахтани тозалаш вақтида толанинг йигирув хусусиятларини камайтирмаган ҳолда юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлашда қатор ташкилий-техникавий тадбирларни жорий этиш билан бирга, меҳнат шароитини яхшилаш ҳамда ишчи-хизматчиларга маданий-маиший хизматни тўғри йўлга қўйиш катта аҳамиятга эгадир. Буни яхши тушунган **Хайробод пахта тозалаш заводи маъмурияти, партия ташкилоти ва маҳаллий комитети ишчилар учун 50 та янги квартира, 50 ўринга мўлжалланган ишчилар ошхонаси бунёд этмоқда.** Бундан ташқари янги лаборатория, завод бошқармасининг бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шу кунларда корхона бош корпусини кенгайтириш ишлари жадал олиб борилаётир. У битгач, линтерларнинг қўшимча иккинчи, учинчи батареяларини ўрнатиш имконияти яратилади.

— КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бўлажак ўнинчи беш йилликни сифат ва самарадорлик беш йиллиги деб атаган эди, — ҳикоя қилади Хайробод пахта тозалаш заводи партия ташкилотининг секретари А. Митонов. — Биз, пахта тозаловчилар янги беш йилликни муваффақиятли бошлаш учун ҳозирданоқ унга мустаҳкам замин тайёрлашимиз керак. Шуни мамнуният билан таъкидлаш мумкинки, корхонамизда маҳсулот ишлаб чиқариш сифатини яхшилаш борасида бир мунча тажриба тўпладик. Агар давлат ГОСТлари нормасида аввал ифлосланган толанинг миқдори 13 процентни ташкил этган бўлса, 1971 йилнинг сентябрь ойига келиб 100 процент аъло навли пахта толаси тайёрлашга эришдик. Бундан ташқари, тўққизинчи беш йилликнинг тўрт йилу саккиз ойи ичида **ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 36, меҳнат унумдорлиги ўсиш суръати 37,5 процентга етди. Бу, тўққизинчи беш йиллик топшириқларида белгиланганидан анча юқоридир.**

Алимкентликларнинг ватанпарварлик ташаббусига қўшилган Хайробод пахта тозалаш заводи коллективи шу кунларда ягона истак— КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб юборди.

— Беш йиллик планига қўшимча 4,5 минг тонна аъло сортли тола, 500 тонна линт, 9 минг тонна уруғлик чигит ишлаб чиқарамиз.

— Бу, хайрободликларнинг партия олий анжуманига тайёрлайдиган совғаларидир.

Аъло сифатли тола ишлаб чиқариш кўп жиҳатдан хом ашёни тўғри сақлаш, профилактик тадбирларни жорий этиш ва қатъий назоратга боғлиқдир. Шунингдек, корхонанинг бир меъёрда ишлашини таъминлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Сирдарё областидаги Бахт пахта тозалаш заводи ишчи ва хизматчилари бу масалаларга катта аҳамият бериб, йилдан-йилга зафар қўчмоқдалар. Улар ҳозир планга қўшимча 720 тонна пахта толаси, 76 тонна линт ишлаб чиқариш учун барча куч-ғайратларини ишга солмоқдалар.

— **Бу маҳсулотларнинг барчаси аъло сифатли бўлади,** — дейди ишонч билан завод касаба союз комитетининг раиси М. Убайдуллаев.

Пахтани тозалаш вақтида толанинг йигирув хусусиятларини камайтирмаган ҳолда юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш ҳаракати тобора кенгайиб бормоқда Ўзбекистон пахта тозаловчилари мамлакат тўқимачилик корхоналарига аъло сифатли тола етказиб беришни ўзларига шиор қилиб олдилар.

УЛКАН ХИРМОН УЧУН

Республика районларида пахта тайёрлашнинг борши тўғрисида шу йил 1 ноябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар; иккинчи стун — мавсум бошидан буён; учинчи стун — шу жумладан машинада терилган пахта.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ		
Юқори Чирчиқ	130,86	132,22
Қуйи Чирчиқ	127,56	128,40
Янгийўл	119,51	114,23
Чиноз	112,93	129,07
Оққўрғон	112,04	104,42
Бўка	111,35	109,79
Бекобод	108,22	104,15
Пискент	103,36	92,90
Урта Чирчиқ	102,94	100,88
СИРДАРЁ ОБЛАСТИ		
Оқолтин	132,97	146,33
Ховос	125,36	123,87
Сирдарё	113,99	106,73
Ворошилов	105,45	101,53
Гулистон	103,05	101,94
Ильич	101,74	104,79
Боёвут	98,49	96,15
АНДИЖОН ОБЛАСТИ		
Бўз	121,28	87,73
Избоскан	116,11	100,03
Хўжаобод	113,17	81,90
Пахтаобод	113,15	98,07
Комсомолобод	110,00	140,38
Ленин	108,91	64,51
Балиқчи	108,40	104,62
Жалолқудуқ	105,04	90,24
Москва	103,52	87,83
Қўрғонтепа	103,50	90,75
Марҳамат	103,49	74,27
Андижон	100,11	62,50
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР		
Тўрткўл	111,47	98,09
Шуманай	110,39	101,87
Бируний	106,92	84,51
Амударё	106,87	94,79
Хўжайли	106,26	89,77
Нукус	105,80	88,09
Тахтакўпир	105,35	97,30
Ленинобод	105,28	108,29
Кегайли	104,45	101,47
Чимбой	104,33	91,34
Қўнғирот	103,88	94,00
СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ		
Сариосиё	108,65	107,42
Шўрчи	105,05	108,05
Денов	104,85	103,71
Ленин йўли	100,51	96,08
Гагарин	97,78	101,84
Термиз	95,92	84,57
Жарқўрғон	93,33	46,92
Шеробод	90,81	76,58
ФАРҒОНА ОБЛАСТИ		
Ленинград	110,70	102,31
Қува	107,49	84,37
Ўзбекистон	106,99	86,67
Киров	105,58	83,33
Охунбобоев	105,58	89,05
Фарғона	104,40	52,33
Бувайда	96,81	71,79
Фрунзе	95,15	86,72
Тошлоқ	94,04	76,73
Қувасой шаҳри	92,29	55,22
Риштон	92,09	57,03
Олтиариқ	89,84	70,67
Бағдод	86,91	47,23
НАМАНГАН ОБЛАСТИ		
Учқўрғон	113,15	137,04
Задарё	111,14	103,51
Норин	108,88	124,19
Тўрақўрғон	104,73	67,30
Поп	102,90	84,80
Уйчи	102,33	67,92
Наманган	100,61	105,33
Янгиқўрғон	93,41	63,40
Косонсой	77,02	—
Чуст	76,78	—
ХОРАЗМ ОБЛАСТИ		
Хонқа	102,85	62,43
Қўшкўпир	100,14	69,11
Гурлан	99,14	65,80
Боғот	99,02	69,07
Шовот	97,53	65,25
Урганч	96,60	70,40
Ҳазорасп	96,01	57,68
Хива	95,83	38,00
Янгиариқ	95,64	50,38
ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ		
Шаҳрисабз	110,71	85,52
Қарши	106,33	84,91
Қамаши	101,50	62,66
Яккабоғ	100,01	76,98
Нишон	100,00	87,18
Ульянов	92,51	72,82
Китоб	91,00	53,66
Ғузор	86,60	30,16
Чироқчи	80,87	30,68
Косон	72,26	37,15
САМАРҚАНД ОБЛАСТИ		
Оқдарё	104,73	91,04
Нарпай	104,49	83,61
Пахтачи	100,93	83,42
Каттақўрғон	97,45	64,19
Иштихон	97,05	78,95
Жомбой	95,77	75,48
Пастдарғом	86,13	42,14
Хатирчи	80,32	30,43
Пайариқ	77,61	44,38
Булунғур	73,03	33,52
ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ		
Ғаллаорол	113,00	17,06
Дўстлик	97,28	84,85
Октябрь	92,63	74,00
Пахтакор	89,85	79,33
Жиззах	88,60	51,85
Мирзачўл	88,58	81,08
БУХОРО ОБЛАСТИ		
Олот	101,59	66,91
Қоракўл	96,66	60,55
Когон	80,47	24,39
Бухоро	79,30	7,20
Свердлов	74,88	5,76
Ромитан	71,20	5,08
Навоий	63,57	23,02
Вобкент	61,75	13,63
Ғиждувон	61,48	2,90
Қизилтепа	57,28	—
Шофиркон	53,66	1,51

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

ЧИНИҚИШ

Колхоз тўққизинчи беш йилликда эл дастурхонига 16 минг 200 тоннадан зиёд сабзавот етказиб берди. Давлатга сабзавот сотиш беш йиллик плани 141 процент бажарилди. Хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма соҳаларида ана шундай қувончли ютуқлар қўлга киритилди.

●

Кадрлар билан ишлаш яхшиланганлиги, уларга талабчанлик оширилганлиги бу муваффақиятларнинг асосий омили бўлди. Шу жиҳатдан қараганда ҳисобот-сайлов йиғилишида сўзга чиққан коммунист М. Азизтоевнинг мулоҳазалари диққатга сазовордир.

— Бригадамиз тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йили маррасига етай деб қолди, — деди йиғилишда сўзга чиққан 2-бригада бошлиғи Маҳамад Азизтоев. — Ҳали пайкалларда ҳосил сероб. Йиғим-теримни уюшқоқлик билан ташкил этиб, яна 380 тонна ҳосил тўплириш имкониятимиз бор. Шунда ишлаб чиқариш планини 120 процент бажарган бўламиз. Бу бригадамиз аъзоларининг КПСС XXV съездига совғаси бўлади.

Коммунист Маҳамат Азизтоевни қишлоқда ҳамма ҳурмат қилади. Партия ташкилотида унинг мулоҳазаси катта салмоққа ҳам эга. Чунки Азизтоев колхоз ишлаб чиқаришининг етакчи участкаларида кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилиб, қолоқ коллективларни илғорлар қаторига қўшишда, сабзавотчиликка комплекс механизацияни жорий этишда, энг муҳими, кишилар билан ишлашда катта тажриба тўплаган. Шу боисдан у қайси участкада меҳнат қилмасин, ҳамиша коллективга муваффақият ёр бўлади.

Аксинча, йиғилишда сўзга чиққан бригадир Собир Розиқовнинг гаплари коммунистларда ҳақли эътироз туғдирди. Партия комитети, колхоз правлениеси унга катта ишонч билдириб, биринчи бригадага бошлиқ қилиб тасдиқлаган эди. Афсуски, Розиқов бу ишончни оқлай олмади. Колхозда тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли якунлаш учун социалистик мусобақа авж олиб кетган бир пайтда бригадада меҳнатни ташкил этиш, агротехника тадбирларини ўз вақтида бажаришда сусткашлик, совуққонлик юз берди. Шу туфайли бригада ҳатто экин экиш планини ҳам уддалай олмади. Пиёз, бодринг сингари экинлардан айниқса кам ҳосил олинди. Ҳисобот-сайлов йиғилишида сўзга чиққан коммунистлар масъулиятни чуқур ҳис этмаган ана шундай кадрларга нисбатан ҳақли эътироз-лар билдиришди. Уларни ўқкаҳқоний, ҳолис танқид қилишди.

— Партия комитети ёш колхозчиларни тарбиялаш, уларда деҳқончилик маданиятини тиниқ ошириш иштиёқ уйғотишда сабот билан ишлаб, — деди коммунист Қобилжон Зокиров, — Шуни айтиш кифояки, бугунги кунда Турғун Қумушбоев, Жаббор Абдурахмонов, Ҳаким Дўнанов, Ҳикмат Маҳкамов, Меливой Маҳкамов каби тракторчи ва шофёрларимиз қишлоқ хўжалик ишларини бажаришда ибрат кўрсатмоқдалар. Ҳисобот даврида колхозчи ёшларни кечки мактабларда ўқитиш, ёш коммунистларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиниқтириш соҳасида ҳам ибратли ишлар қилинди.

Дарҳақиқат, колхоз партия комитети ёш колхозчиларнинг маънавий-сиёсий камолотини таъминлаш мақсадида муттасил иш олиб бормоқда. Роза Шукурова, Мавлуда Умарова, Камолжон Зокиров, Турсунбой Султонов, Қодир Одилов сингари ёш коммунистлар кечки қишлоқ ёшлари мактабини тугатиб, ҳозирда олий ўқув юртларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда билим олмоқдалар. Табиийки, бу ҳол уларнинг колхоз ишлаб чиқаришидаги иштироки янада самарали бўлишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ишнинг муваффақияти кадрларнинг малакаси, ўз ишига масъулият билан қараши, ташкилотчилик қобилияти билан белгиланади. Ҳисобот даври колхоз ишлаб чиқаришининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган кадрлар учун чиниқишнинг муҳим бир босқичи бўлди. Шу нарса диққатга сазоворки, партия комитетининг кадрлар билан ишлаш соҳасидаги фаолияти узвийлик, изчиллик касб этганлиги кишиларда ишга ишонч билан қараш, ютуқларни мустаҳкамлаш, ишнинг ҳақиқий аҳволини пухта таҳлил қилиш асосида баъзи камчиликларни бартараф этиб бориш маҳоратини оширмоқда. Сўнгги йилларда партия комитети тасдиғидан ўтказилган деярлик ҳамма кадрлар жой-жойида мўътадил ишлаб келмоқда. Уларнинг ҳаммаси топширилган ишга масъулият билан қараб, план топшириқлари ва юксак мажбуриятлар ортиги билан бажарилишига меҳнат коллективларини сафарбар этмоқдалар. Партия йиғилишларида бригадирлар, сифат инспекторлари, мутахассисларнинг ҳисоботларини эшитиш одат тусига кирди. Бу ҳам кадрларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ташаббус кўрсатиб ишлаш иштиёқини кучайтирмоқда. Маҳамат Азизтоев, Зикрилла Юнусов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда сабзавот экинларидан юқори ҳосил олинди. Ан Андрей бошлиқ бригада коллективида помидор ҳосилдорлиги деярли гектарига 43 тоннага етди. Партия комитети социалистик мусобақа илғорлари ва ишлаб чиқариш новаторларини пул ва қимматбаҳо буюмлар билан мукофотлаб, уларнинг тажрибасини ўз вақтида кенг оммалаштириб борди.

Шу нарса диққатга сазоварки, партия комитети ҳисобот даврида ўз фаолиятини изчил йўлга қўйиб, коммунистлар, партиясиз активларни ишга садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берди. Натижада партия топшириқларини бажариш ташкилотчилик ва сиёсий етукликнинг ўзига хос синовига айланди. Коммунист Баҳром Турсунов ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида партия комитети составига сайланган эди. Унга халқ контроли группасига раҳбарлик қилиш топширилди. Бу йил группа айниқса фаол иш олиб борди. Уруғларни тўғри саралаш, экинларни қулай муддатларда экиш, ларга агротехника қоидаларига биноан ишлов бериш, айниқса суғориладиган ерлардан оқилона фойдаланиш масалалари халқ назоратчиларининг диққат эътиборида бўлди. Группа ҳисобот даврида бир қатор оммавий рейдлар, текширишлар ўтказди. Буларнинг ҳаммаси колхоз ишлаб чиқаришининг юксалишида катта роль ўйнади.

Шунингдек, коммунистлардан Қобилжон Зокиров, Ҳошим Абдуллаев, Ҳакима Салимова ва бошқалар ҳам партия топшириқларини бажаришда намуна кўрсатмоқдалар. Коммунист Қобилжон Зокиров кўп йиллардан буён партия сиёсий маорифи системасида пропагандистлик қилиб келмоқда. Шуни айтиш керакки, коммунистлар, партиясиз активлар сиёсий ўқув машғулотларида ўз ғоявий билимларини ошириб, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида унумли меҳнат қилишларида пропагандистнинг маҳорати, таъсирчан сўзи даъваткорлик касб этмоқда. Турсунбой Султонов, Бахтиёр Султонов, Дилбар Адҳамова сингари агитаторлар, Азимбой Умаров, Абдураҳмон Абдураҳимов сингари сиёсий ахборотчилар ҳам партия топшириғини юксак масъулият ҳис қилган ҳолда бажармоқдалар.

Шу билан бирга, ҳисобот-сайлов йиғилишида сўзга чиққан коммунистлар партия комитетининг кадрлар билан ишлаш соҳасидаги фаолиятида юз берадиган айрим камчиликларни ҳам қатъий ўтишди. Чунончи, план топшириқлари ва юксак мажбуриятлар ортиги билан бажарилишига меҳнат коллективларини сафарбар этмоқдалар. Партия йиғилишларида бригадирлар, сифат инспекторлари, мутахассисларнинг ҳисоботларини эшитиш одат тусига кирди. Бу ҳам кадрларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ташаббус кўрсатиб ишлаш иштиёқини кучайтирмоқда. Маҳамат Азизтоев, Зикрилла Юнусов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда сабзавот экинларидан юқори ҳосил олинди. Ан Андрей бошлиқ бригада коллективида помидор ҳосилдорлиги деярли гектарига 43 тоннага етди. Партия комитети социалистик мусобақа илғорлари ва ишлаб чиқариш новаторларини пул ва қимматбаҳо буюмлар билан мукофотлаб, уларнинг тажрибасини ўз вақтида кенг оммалаштириб борди.

Шу нарса диққатга сазоварки, партия комитети ҳисобот даврида ўз фаолиятини изчил йўлга қўйиб, коммунистлар, партиясиз активларни ишга садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берди. Натижада партия топшириқларини бажариш ташкилотчилик ва сиёсий етукликнинг ўзига хос синовига айланди. Коммунист Баҳром Турсунов ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида партия комитети составига сайланган эди. Унга халқ контроли группасига раҳбарлик қилиш топширилди. Бу йил группа айниқса фаол иш олиб борди. Уруғларни тўғри саралаш, экинларни қулай муддатларда экиш, ларга агротехника қоидаларига биноан ишлов бериш, айниқса суғориладиган ерлард

ЁЗУВЧИЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

ОЛТИН ВОДИЙ

Эрталаб ҳаво анча салқинлаб қолди. Абдуллажон уйдан чиққанда қишлоқ кўчаларида ҳали ҳеч ким кўринмасди. Тонг отиши олдидан кўкда юлдузлар чарақлаб, коннот сукунатига чўмган. Абдуллажон елкага пинжак ташлайми, деб уйга кирмоқчи бўлди. Лекин, шийпон томондан мотор овозини эшитиб, олдинга тез юриб кетди.

Абдуллажон шийпонга етиб келганда, у ерда моторга жон киритиб, унинг тантанавор овозини кенг пахтазор бўйлаб таратаётган механизатор Юнусали Шомуротовни кўрди. Абдуллажон Юнусали билан кўришиб, унга бугунги териладиган карталарни тайинлаб турганда, шийпон орқасидаги картада Ҳавохон Исматуллаева билан Жўрахон Нортожиевалар эгат оралаб олдинга юришди. Кейин хирмон томондан Йўлчибой Нишонов билан Ёқубжон Сиддиқов қоп, этакларни кўтариб ўтишди.

Бир пиёладан чой ичишгач бригада аъзолари жамулжам бўлиб, теримга тушиб кетдилар. Абдуллажон Нишонов 1-бригадага бошлиқ. Унинг бригадаси рўйхатда ҳаммадан олдинда туради. Шунинг учун бригадир, ўз аъзоларини ишда ҳам, хирмон кўтаришда ҳам ҳаммадан олдинда бўлишларини истайди. Бу истакни у бригада аъзоларига ҳамма вақт уқтириб келади. Бугун ҳам шу ниятда улар билан сўрашиб, иш режаларини тайинлаб юрибди.

Абдуллажон ака ёнма-ён туриб пахта тераётган Ҳавохон билан унинг мусобақадош дугонаси Жўрахонга «нима деймиз» дегандай жилмайиб қаради. У эса тўлган этакни эгат орасидаги тоза жойга ағдариб, «ҳаракат қиламиз», деди. Бригадир уларга раҳмат айтиб, хирмон томонга юрди. Йўлда шу икки теримчини тақдирлаш тўғрисида ўйлаб борарди.

Икки дугона бригада бошлиғининг юрақдан айтган эзгу-тилагини — шерикларига намуна бўлиш ҳақидаги сўзларини бажо келтириш учун ғайратларига ғайрат қўшиб, чаноқлардаги лўпли-лўпли момиқларни теришни янада тезлаштирдилар. Икки дугона бугун ҳам 200 килодан пахта теришга аҳд қилишди. Абдуллажон ака тадбиркор, айтган сўзининг натижасини текшириб юрадиган сардор. Кечқурун бригада ҳисобчисидан кимнинг қанча пахта тергани суриштиради. Шунинг учун марднинг сўзи битта. Аҳдни бажармоқ мураккаб иш.

Йўлчибой Нишонбоев билан Ёқубжон Сиддиқов терилган пахталарни хирмонга тўплаб, ундан бугунги дастлабки карвонни тизишмоқда.

Тут кўчатлари орасидан «зангори кема»нинг кўркам қомати кўринди. Рулда Юнусали Шомуротов ўтирибди. Қадрдон «Ўзбекистон» машинасини эҳтиётлик билан бошқариб, чаман дурдоналарини шиғиллатиб теріб борянти. Колхоз бош инженери Қосимжон Ёдгоров машина орқасидан юриб, унинг қандай ишлаётганини кўздан кечирди. Юнусали ишидан хурсанд бўлиб, сўнг бошқа бригадаларга ўтиб кетди. Колхозда 15 та пахта териш машинаси бор. Бу машиналар билан экин майдонининг 15 процентдан кўпроғидаги ҳосилни теріб олиш кўзда тутилган. Вақт ўтиб борянти. Ҳар бир машинанинг нормал ишлашини таъминлаш керак. Бусиз теримда юксак суръат бўлмайди. Шунинг учун колхоз раиси Эҳсон ака Мадраҳимов ҳам, колхознинг бошқа раҳбарлари ҳам теримчилар ва терим агрегатларининг иш унумини оширишга бутун диққат-эътиборни қаратганлар.

Колхозда 17 та пахтачилик бригадаси бор. Шундан 14 таси қишлоқ атрофида, учта бригада эса, Қизилқум даштида ташкил этилган. Қишлоқдан 50 километр олисдаги бу чўл массивининг ўзлаштирилганига 5 йил бўлди. Бу янги, ерларнинг ер ости суви яқин, шўри юзага чиқиб турадиган майдонлардан иборат. Шу ноқулайликларга қарамай, у ерга бел боғлаб, олтин ундиришга борган колхоз марди-хайдонлари жасорат кўрсатиб, ҳар йили мўл ҳосил етиштирмоқдалар.

Қизилқум чўлидаги 15-бригадада (бригада бошлиғи коммунист Ҳайдарали Маҳмудов) 75 гектар ернинг ҳар гектаридан ҳозиргача 30 центнердан пахта ҳосилини йиғиб олди. Йўлчибой Мелибоев бошлиқ бўлган 16-бригада ва Шарифжон Нортожиев бошлиқ бўлган 17-бригадалар ҳам юқори ҳосил кўтариш учун терим суръатини тобора кучайтирмоқдалар.

Колхозда водийда машъал бўлган донгдор бригадалар бор. Ана шундай бригадалардан бири СССР Олий Советининг депутати Ҳамроҳон Турдиматова бошлиқ бўлган бригададир. Бу бригада 82 гектар ердан планда кўрсатилган 32 центнер ўрнига 42 центнердан хирмон кўтариб, топшириқни ошириб бажарди. Бригада она-Ватанга ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни 52 центнерга етказишга аҳд қилган. Мамадали Аҳмадалиев бошлиқ бўлган 3-бригада аъзолари ҳам 104 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан хирмон кўтаришди. Бу бригада ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил топшириш учун курашмоқда. Бошқа бригадалар ҳам йиғим-теримда пешқадам. Колхоз районда биринчи бўлиб, пахта тайёрлаш йиллик планини ошириб бажарди. 1230 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан хирмон кўтарди. Яна ҳар гектаридан 12 центнердан ҳосил йиғиб олиш учун астойдил ҳаракат қилинмоқда. Колхоз далаларидаги жўшқин ҳаёт бу ваъданинг бажарилишидан далолат беради.

Колхоз механизаторларидан коммунист Содиқ Узоқов, Юнусали Шомуротов, Munаввархон Ҳожиқабарова, Ўринбой Қодиров, Ҳамиджон Ваҳобов ва бошқалар мавсумда 250 тоннадан пахта теришга аҳд қилганлар. Уларнинг ҳар бири ҳозиргача 150-200 тоннадан пахта теріб, хирмонга тўкди.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти далада ишлаётганлар учун қулай шароитни яратган. Оммавий-сиёсий ишлар яхши йўлга қўйилганлиги, илғорлар рағбатлантирилаётгани ва уларнинг тажрибаси кенг қанот ёзаётганлиги муваффақиятлар гарови бўлмоқда. Бу Охунбобоев номли колхоз Ленинград районидаги пахтакор хўжаликлар орасида олдинги ўринда борянти.

Биз район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Салимжон Марасулов билан Охунбобоев номли колхоз пахтазорларида бўлдик. Бошқа пахтакор хўжаликлар иши билан ҳам танишдик. Райком секретари терим суръатини кучайтираётган хўжаликлар билан бирга давлатга пахта тайёрлашда кейинда қолаётган хўжаликлар ишидан ташвишланиб гапирди. Унинг ташвишида райондаги ҳар бир хўжалик, ҳар бир бригада, ҳар бир пахтакорнинг ташвиши, дарди ўз ифодасини топган эди. Биз тонг қоронғусида Марасуловни пахтазорда кўрган бўлсак, ярим тунда район марказидаги пахта тайёрлаш пунктида рақамларни кўздан кечириб жойларга телефон қилаётган чоқда учратдик. У районнинг 48 минг тонналик «оқ олтин» хирмони тезроқ қад кўтариши ҳаёли билан яшарди. Жонажон партиямизнинг бўлажак шонли съездига муносиб совға тайёрлаш орзуси унинг борлиқ ўй-хаёлини қамраб олган эди. Давлатга пахта тайёрлашда Ленинград райони областда олдинда бораётир. Район областда биринчи бўлиб давлатга пахта топшириш планини бажарди. У энди ўз зиммасига олган юксак мажбуриятни бажариш учун курашмоқда.

Район давлатга пахта тайёрлаш беш йиллик планини биринчилар қаторида барвақт бажариб, ҳозир янги беш йиллик ҳисобидан давлатга «оқ олтин» совғаларини йўлламоқда. 48 минг тоннали «оқ олтин» хирмонини тезроқ қад кўтартириш учун ҳамма куч ва имкониятлар сафарбар этилган.

Биз район пахтазорларида бўлганимизда, ҳар бир дилда пахта меҳри жўш ўриб, заҳмат чекиб етиштирилган мўл ҳосилни нес-нобуд қилмай ўз вақтида йиғиштириб олиш учун қизғин кураш бораётганлигини кўрдик. «Зангори кема»лар эгатлар оралаб, «пўлат этак»ларидан пахта хирмонларини тўкмоқда. Теримчилар ҳар бир картада суръатга-суръат қўшиб, ғайрат отини қамчиламоқдалар. Район меҳнаткашлари областда биринчи бўлиб маррага етиб бориб, мажбурият ҳисобидан давлатга пахта топшириб қўйдилар. Биз голиб пахтакорларга «Ғалабангиз муборак бўлсин!» — деймиз.

НАЗАРМАТ,
Азиз АБДУРАЗЗОҚ.

СУРХОН ШАЛОЛАСИ

Ҳисор тизмалари билан Боботоғ оралиғида шундай бир водий бор. Қуёшли республиканинг жанубий қисмидаги бу юртга табиат илиқ, субтропик иқлим берган, шу важданми, далаларида ипак пахта битади; дарё қирғоқларида шолипоялар, шакарқамишлар барқ уриб ётади; боғларда хурмолар ларзон эгилади.

Бу водий тақдим этган Хўжасоат майизи-ю, Дашнобод анори Москвада, Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасида «мана мен!» дегандай ҳаммани қойил қолдирянти; дунё бозорида Оқ-қопчиғай сури қўлдан-қўлга тегмайди.

Яқинда Польша Халқ Республикасида бўлиб ўтган тоғли районлар халқ ижодиёти халқаро VIII фестивалида Бойсун район мадачият уйининг «Шалола» халқ ашула ва ракс ансамбли Совет Иттифоқи номидан қатнашиб, иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлганлиги, совриН билан мукофотланганлиги ҳам кўпчиликка маълум. Аммо, бу ерда гап соврин билан тақдирланган «Шалола» тўғрисида эмас, балки миллион этаклардан, минг-минг «пўлат этак»лардан тўкилаётган оппоқ толалар шалоласи ҳақида борянти.

Ҳа, бу йил Сурхондарёда пахта йили бўлганга ўхшайди. Сурхондарёликлар уяётган хирмон қариб ярим миллион тоннани ташкил қилади. Аммо, ана шу мўл ҳосил осонликча етиштирилмади.

— Сув танқислигини ўтган йилдан бошлаб ўргандик ва қатор тадбирларни белгиладик, — дейди область партия комитетининг биринчи секретари Абдувоҳид Керимов. — Гагарин номли, Термез каби қуйи районларда Аму суви базасида тўрт жойда насос станциялари қурилди. Кўплаб ер ости сувлари чиқарилди. 200 километр масофадаги канал шохобчалари бетонлаштирилдики, бу билан ҳам сув исрофгарчилиги камайтирилди.

Ҳосил ҳақида гап кетганда областнинг «оқ олтин» макони ҳисобланган баъзи районларини қайд этмасдан илож йўқ. Термез, Жарқўрғон далаларида ипак пахта битади. Термизликлар 100 процент, жарқўрғонликлар 80 процент ҳосилни давлат омборларига ана шу олий навдан топширмоқчи.

Шўрчи, Денов, Сариосиё районларида ҳам ҳар қаҳонгидан мўл-кўл «оқ олтин» етиштирилди. Бу анчагина қийинчиликлар эвазиндандир. Дўл, сел оқибатида 13 минг гектар ердаги ғўза нобуд бўлди. Натижада, экин қайтадан бўзиб экилди. Яхши парвариш туфайли бошқа жойдаги ғўзаларга етказилди.

Шўрчиликлар йилдан-йилга мўл ҳосил беришяпти. Бу йил улар 100 минг тоннага яқин момиқ етиштирдилар. Район тарихида ҳеч қачон шунча тонна ҳосил бўлмаган. Аммо, бу ҳали чегара эмас. Район меҳнаткашлари яқин 2—3 йилда юқоридаги рақамга тенг 10—15 минг тонна кўшмоқчи.

Сариосиё районининг меҳнат муваффақиятларини эса, унинг областда биринчи бўлиб галаба рапортига имзо чекканлигидан пайқаш мумкин. Районнинг «Коммунизм» деган улкан хўжалигини эшитгансиз. «Коммунизм»ликлар бу йил 3600 гектар майдондан 16 минг тонна «оқ олтин» олишди. Меҳнат аҳлининг ғайрати ҳали сусайгани йўқ. Толани сўнгги граммигача давлат омборларига тўплаб бериш — уларнинг охирги мараси.

Бундан бир неча кун бурун планни ортиғи билан бажарган Денов райони пайкаллари бўлдик. Деновликлар ҳозир 85 минг тонна учун курашяпти. Пайкаллар бошида булутга бўй чўзган хирмонлар соат сайин қад кўтаряпти. Эгатларда терим агрегатлари, юзлаб-минглаб одамлар — улкан хирмонларни тиклаётганлар ўшалар!

Мана, Охунбобоев номли колхознинг серҳосил пахтазорлари. Колхознинг пахта планини бажарганига салкам бир ой бўляпти. Аммо, далаларда чаман-чаман очилган чаноқлар эвгустнинг сўнгги кунларидаги кўл урилмаган пахтазорларни эслатади. Сурхон соҳилларига туташган картада икки қиз, бир йигит ёнма-ён «зангори кема»ни бошқариб келяпти. Улар қалин тутзор ёнидаги хирмон-жойга бирин-кетин бункерларини бўшатишди.

Қизларнинг биридан шу маълумотларни олишга улгурдик: исми Бибисора экан унинг. Ҳар куни машинаси бункеридан 10—12 тонна «оқ олтин» бўшатяпти. Ҳозиргача у терган ҳосил 200 тоннадан ошиб кетди. Қизиғи шундаки, бу қизча ҳали ўқувчи. 10-синфнинг аълочи талабаси. Ўтган каникул кунлари механизаторлар курсида ўқиб олибди-ю, эндиликда тенгқурлари ишга қўл кучини солса, у «пўлат этак» билан тушяпти. Тағин «мах-мах» деган суворий йигитларни мусобақада ортда қолдиришини айтмайсизми?

Сурхондарё Жиянқул Рустамов. Абдусаттор Қурбонов, Отамуроод Худойназаров, Светлана Проданлар тўпилган воҳа. Улар жавлон урган янги ерларда ҳам ҳосил беқиёс етишди. Ж. Рустамов 650 тонна пахтани машинада теріб бериш учун курашмоқда. Бу даштлар машинада 1000 тонна пахта теріб рекорд қўйган Шоймардон Қудратовни дунёга танитди.

Бу моҳир пахтакор эндиликда Н. Муродов номли совхозни бошқаряпти. Совхоз ерлари янги, яқинда ўзлаштирилган. Лекин, ернинг бутун жаҳоҳирлари юзага тошиб чиққандай — оппоқ! 11 минг тонна «оқ олтин» учун замин етарли.

Водийда шу каби ўнлаб илғор хўжаликлар борки, кичик бир лавҳада уларнинг ҳаммаси ҳақида тўхталиш қийин. Лекин, бир манзара ҳамма ерда ҳам ўзига хос кўзга ташланади: хоҳ Бойсунда бўлманг, хоҳ Шерободда, хоҳ Ленин йўлида бўлманг, хоҳ Шўрчида — ҳамма-ҳамма жойда пахта учун жонбозлик. Пахтазорларда 2300 терим машинаси, 135 минг теримчи жавлон урмоқда. Ғирз-шира тонгдан шомгача барча пайкалда, хирмон бошида: пахтакор ҳам — пахтакор, шаҳардан ҳашарга келганлар ҳам — пахтакор. Кечқурун радио, телевизор атрофида маълумотни кутишади, республикада пахта топшириш плани қандай адо этиляпти— шу қизиқиради ҳаммасини.

Ҳа, сурхондарёликлар пахта топшириш давлат планини бажардилар. Ҳали кунлик теримни пасайтирганлари йўқ. КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан илҳомланган область меҳнаткашлари республикамизнинг шарафли мажбуриятини бажаришга ҳисса қўшмоқ учун сўнгги ҳосилни сўнгги граммигача, давлат омборларига йиғиб-теріб топширишга аҳд қилганлар.

Низомжон ПАРДА.

«САЛЮТ—4» СТАНЦИЯСИНИНГ УЧИШИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 31 октябрь (ТАСС). 1974 йил 26 декабрда ер атрофи орбитасига чиқарилган «Салют-4» илмий станциясининг учиши ўн ойдан кўпроқ вақтдан бўён давом этмоқда. Станция 31 октябрь Москва вақти билан соат 11 гача ер атрофини 4878 марта айланиб чиқди.

Қўшимча ишлаб чиқилган программага мувофиқ узоқ давом этадиган космик учиш шароитида станция конструкцияси айрим борт системалари, агрегатлари ва элементларини синаб кўриш давом эттирилмоқда.

Телеметрик ахборот маълумотларига кўра, станциянинг бор системалари нормал ишлаб турибди. Станция бўлмаларидаги микроиқлим параметрлари белгиланган доирада турибди. Станция бортидан олинаётган маълумотлар ишлаб чиқилмоқда га ўрганилмоқда.

СУД ЗАЛИДАН

ОЗУҚАНИ ТАЛОН-ТАРОЖ ҚИЛУВЧИЛАР ЖАЗОЛАНДИ

Озарбайжоннинг Агдам районидаги Ленин номли колхозининг омборчи-кассири А. Иброҳимов, Евлахов ғалла қабул қиладиган корхонасининг бош бухгалтери Р. Гезалов ва шу корхонанинг ҳисоб-китоб бўйича бухгалтери Ч. Алиев жиноий тил бириктириб, давлатнинг катта-катта маблағини талон-тарож қилиб келганлар. Иброҳимов колхозларга корхонадан пимит бўйича бериладиган омихта ем ва буғдой учун олинган ишонч қоғозларида бу маҳсулотларнинг миқдорини кўрсатмаган, Гезалов лимитсиз маҳсулотга руҳсат берган, Алиев эса колхозлардан пул олинганлиги тўғрисида қалбаки ҳужжатларни расмийлаштирган. Ана шундай жиноий найранг натижасида талон-тарож қилувчи шаҳслар 22 минг сўмлик 275 тоннадан зиёд омихта емни ва қариб 27 тонна буғдойни ўзлаштириб юборганлар.

Озарбайжон ССР олий суди Гезалов билан Иброҳимовни 11 йил, Алиевни 10 йил муддат билан озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқариб, улардан ўғирланган маҳсулотнинг бутун қимматини Евлахов корхонаси фойдасига ундириб олишга қарор қилди.

СССР Олий суди бу ишни назорат тартибида қараб чиқиб тушган шикоятни қаноатлантирмади.

(ТАСС мухбири).

ПЛАНЕТАМИЗДА

БУЗИЛМАС ДЎСТЛИК

ЧЕТ ЭЛ МАТБУОТИ СОВЕТ—ВЬЕТНАМ МУЗОКАРАЛАРИНИ КЕНГ ЕРИТМОҚДА ВА ШАРҲЛАМОҚДА

ХАНОЙ, ВДР партия-ҳукумат делегациясининг Совет Иттифоқига визити, Совет—Вьетнам музокаралари ВДР матбуотининг диққат марказида турибди. Газеталар КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев билан ВМП Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР ҳукумати Вьетнам Меҳнаткашлар партияси ва Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати делегацияси шарафига Катта Кремль саройида ташкил қилган нонушта-зиёфатда сўзлаган нутқларини катта сарлавҳалар остида эълон қилишган.

ВЬЕНТЬЯН, Лаос миллий бирлик муваққат ҳукумати ахборот министрлигининг органи «Лаоспресс бюллетэн» нашри ВДР партия-ҳукумат делегациясининг СССРга қилган расмий дўстлик визити ва Совет—Вьетнам музокаралари тўғрисидаги материалларни эълон қилиб, музокаралар қардошларча бирдамлик, дўстлик ва ўртоқлик руҳида ўтаётганини таъкидламоқда.

УЛАН-БАТОР. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев вьетнамлик дўстларга қаратилган нутқида, деб ёзади «Унэн» газетаси, қаҳрамон Вьетнам халқининг жуда катта ғалабасига юксак баҳо берди.

ВАРШАВА. Л. И. Брежневнинг Ле Зуан билан учрашуви деб таъкидлайди «Трибуна люду» газетаси, ҳар икки партия ва мамлакат дўстлигини бундан буён ҳам ҳар томонлама мустаҳкамлашга, уларнинг икки томонлама алоқаларини ҳамда халқаро ишлардаги, жаҳон социализм системаси қудрати ва жипслигини янада ошириш манфаатлари йўлидаги ўзаро муносабатларини кучайтиришга интилаётганликларини яна бир бор тасдиқлади.

ЛОНДОН. «Морнинг стар» газетаси бундай деб ёзади: Л. И. Брежнев Кремлда сўзлаган нутқида Вьетнамдаги ғалабанинг аҳамиятини уқтириб ўтди. У Вьетнам халқи ўзининг тинч, социалистик қурилишида Совет Иттифоқининг мададига бундан буён ҳам қатъий умид боғлаши мумкинлигини таъкидлади.

ТОКИО. Японияда чиқадиган газеталар икки мамлакат раҳбарларининг учрашувлари «гоят дўстона ва яхши вазиятда» ўтаётганини таъкидламоқдалар. (ТАСС).

ЯХШИ НИЯТЛИ КИШИЛАРНИНГ ТАЛАБИ

Бутун ер юзидаги яхши ниятли кишилар Чили Коммунистик партиясининг Бош секретари Луис Корваланга яқинда Болгариянинг пойтахти Софияда бемаҳал вафот этган ўз фарзанди Луис Альберто Корвалан билан видолашиш имконияти берилишини Чили ҳарбий-фашист хунтасидан талаб қилмоқдалар.

1973 йилдаги қонли тўнтаришдан кейин хунта Л. А. Корваланни узоқ вақт зиндонда сақлаб қаттиқ қийнаган эди. Бунинг натижасида Л. А. Корвалан жуда оғир бетоб бўлиб қолган эди.

◆ СОФИЯ. Чили халқи билан бирдамлик болгар комитети хунтанинг қамоқ лагерида ётган Луис Корваланнинг ўз ўғлини дафн этиш маросимларида иштирок қила олиши учун қўлидан келган ҳамма чораларни кўрганлигини биллирди. «Эр Франс» авиакомпаниясининг Сантьяго-даги ваколатхонаси орқали компаниянинг Луис Корваланга Софияга учиб бориш имкониятини яратиб бериши тўғрисида келишиб олинди. (ТАСС).

Югославия пойтахти Белграднинг қиёфаси тобора гўзаллашмоқда. Унинг В. И. Ленин номли марказий магистрали айниқса диққатга сазовордир. Суратда В. И. Ленин номли бульвар.

В. Егоров фотоси. (ТАСС).

«ПЕКИН ЯНА ҲАМ ЮЗ ТУБАН КЕТДИ»

ПАРИЖ, (ТАСС). «Юманите» газетаси ўз шарҳида қуйидагиларни ёзади: «Гельмут Шмидт келганлиги муносабати билан Хитойнинг СССРга хуружи яна кучайиб кетди. «Жэньминь жибао» газетаси Совет Иттифоқига ва кескинликни юмшатиш сиёсатига қарши ўзининг кескинлиги жиҳатидан мислсиз редакцион мақолани эълон қилди.

Хитой газетаси ўзининг юмшоқроқ қилиб айтганда бебурд даъволари билан Ғарбий Европа мамлакатларига сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан бирлашишни ва ўзларининг ҳарбий системаларини мустаҳкамлашни тавсия қилмоқда.

Хитой раҳбарлари Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашни бузишга муваффақиятсиз уриниб кўрганларидан кейин, энди Марказий Европада қуролли кучларни ва қурол-яроғларни ўзаро камайтириш хусусида Венада олиб борилаётган музокараларни барбод этишга уринмоқдалар.

ВЕНА. (ТАСС). «Фольксштимме» газетаси «Пекин яна ҳам юз тубан кетди» деган сарлавҳа остида қуйидагиларни ёзади: «Бонн канцлери Г. Шмидт ХХРга келмасдан икки кун олдин Пекиндаги «Синьхуа» агентлиги Франц-Йозеф Штраус руҳига мос бир мактубни эълон қилди. Бу мактуб Советларга қарши бўлган барча кишиларни ва кескинликни юмшатиш душманларини ғоят қувонтирди... «Синьхуа» ГДР билан Совет Иттифоқи ўртасида тузилган янги шартномани «агрессия ва экспансиячилик сиёсатини амалга ошириш йўлидаги янги уриниш», деб атади. Янги нацистлардан тортиб Ғарбий Германиядаги Бавария христиан-социалистлар союзигача барча ўта ўнг кучлар бу сўзларни бемалол қиллата оладилар.

Пекин пропагандасининг кейинги вақтлардаги руҳи Пекин раҳбарлари СССРга, ГДРга ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши империалистларча тухматни кучайтириб, тобора юз тубан кетаётганликларидан далолат бермоқда, деб ёзади «Фольксштимме» газетаси.

АРАФАТНИНГ МАКТУБИ

ТРИПОЛИ. (ТАСС). Фаластин озодлик ташкилоти ижроия комитетининг раиси Я. Арафатнинг Ливия Революцион Кенгашининг Раиси М. Каддафийга йўллаган мактуби бу ерда эълон қилинди. Кейинги вақтда Ливанда империалист сионистларнинг энг катта фитнасига дуч келган Фаластин революцияси, дейилади шу мактубда, ҳозирги вақтда жиддий хавф остида қолди.

Бу фитнадан мақсад, деб ёзади Я. Арафат, Фаластин озодлик ҳаракатини барбод қилишдан, фаластинликларни ўз қонуний ҳуқуқларини барқарор қилиш, ўз ватанига эга бўлиш умидидан батамом маҳрум қилишдан иборат. Ливандаги воқеаларнинг ташаббусчилари ўзаро тўқнашувлар фаластинликларнинг сионизмга қарши курашдаги жанговарлик қобилиятига путур етказади, деб ўйламоқдалар.

Ливандаги воқеаларда АҚШнинг иштироки борлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ, дейилади яна мактубда АҚШнинг Байрутдаги агентларининг ишлари Яқин Шарқда Қўшма штатлар олиб бораётган сиёсатга тамомила мос бўлиб тушаяпти. Бу сиёсатдан мақсад Араб революцион ҳаракатини парчалаб юбориб, реакцион кучларни қўллаб-қувватлаш, шу районда ўз таъсирини кучайтиришдир.

Синай ярим оролида Миср ва Исроил қўшинларини бир-биридан йироқлаштиришнинг иккинчи босқичи тўғрисида Миср билан Исроил ўртасида тузилган битим ушбу мактубда қаттиқ танқид қилинган. Я. Арафат Ғазоирда ва Работда араблар ўртасида олий даражада бўлиб ўтган кенгашда эришилган барча муҳим шартларни чиппакка чиқарганлиги ва айни вақтда Синай ярим ороли, Жўлан тепаликлари ва араблар қарашли бошқа территорияларнинг 80 процентини ҳали ҳам Исроил ҳарбийлари қўлида сақланаётганлиги учун ҳам бу шартноманинг тузилиши айниқса ўринсиздир.

ЎЗАРО ФОЙДАЛИ ҲАМКОРЛИК

РИМ, 1 ноябрь. (ТАСС). СССР ташқи савдо министри Н. С. Патоличев бошчилигидаги Совет ҳукумат делегацияси 26 октябрдан 31 октябргача Италияда бўлди.

Визит чоғида бу ерда СССР билан Италия ўртасида иқтисодий ва саноат ҳамкорлигини кенгайтиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган программаси имзоланди. Бу программа ҳар иккала мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш ва кенгайтириш учун асос бўлади.

Шунингдек, СССРда биргаликда қуриладиган иншоотларга Италиядан машина ва асбоб-ускуналар сотиб олиш учун банк йўли билан Совет Иттифоқига узоқ муддатли кредит битими имзоланди.

Бўлиб ўтган музокаралар давомида Совет—Италия савдо-иқтисодий муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболи батафсил муҳокама қилинди.

* * *

Совет делегацияси кеча Ватаннга қайтиб келди.

Капитализм иллатлари

ТУРМУШ МАШАҚҚАТЛАРИ ОРТМОҚДА

Кейинги пайтларда капиталистик мамлакатларда иқтисодий кризиснинг чуқурлашиб бораётганлиги айниқса меҳнаткашлар гарданига оғир юк бўлиб тушаётганлиги тўғрисида турли-туман хабарлар келиб турибди. Айниқса, нарх-навонинг тинимсиз ошиб бораётганлиги меҳнаткашларнинг турмуш қийинчиликларини тағин ҳам оғирлаштириб юборяпти.

Франция меҳнаткашлари мамлакатда яқинда яна нарх-навонинг оширилганлигидан ғоят ташвишга тушдилар. Бу ерда сентябрь ойининг ўзида чакана молларнинг нархи 0,8 процентга оширилди. Агар 1974 йилнинг сентябрь ойидаги нарх-наво билан таққослаб кўриладиган бўлса, мамлакатда шу пайт ичида расмий маълумотларга қараганда ўрта ҳисобда чакана молларнинг нархи 10,7 процентга оширилган. Мамлакатда нарх-навонинг бундан буён ҳам оширилиши кўзда тутилаётир.

Стокгольмдан берилган хабарларга қараганда, Швецияда уй-жой нархи бетўхтов ошиб бораётир. Расмий маълумотларга кўра, кейинги беш йил давомида мамлакатда квартира ҳақи ўрта ҳисобда 40 процент оширилган. Шу нарса қизиқки, давлат маъмурлари аҳолининг уй-жойга бўлган муҳтожлигини камайтириш ҳамда янги уй-жой кварталларини вужудга келтириш юзасидан бирорта чора кўрмаётир.

Италия меҳнаткашлари турмуш кечиришнинг кундан-кунга оғирлашиб бораётганлиги туфайли қатиқ ташвишга тушмоқдалар. Бу ерда марказий статистика институтининг расман эълон қилган маълумотларига қараганда, 1974 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб то шу кунгача нарх-наво 13 процентга оширилган.

Дублиндан олинган хабарларда ҳам меҳнаткашларнинг турмуш кечириши тобора ёмонлашиб бораётганлиги қайд этилади. Ирландияда нарх-навонинг ортиб бораётганлиги, зарур молларнинг нархи тез-тез кўтарилиб турганлиги меҳнат аҳлини ташвишга солаётир. Кейинги ярим йил ичида қандиннг нархи 43 процентга ошди. Шунингдек, сабзавот 30 процент, мой ва сарёғларнинг нархи 20 процентга оширилди. Мамлакатда 46 та озиқ-овқат туридан фақат тўрттасининг нархи оширилмади, холос.

Ғарбий Германия меҳнаткашлари ҳам турмуш кечиришнинг оғирлашиб бораётганлигидан нолимоқдалар. Чунки, биргина Шимолий Рейн-Вестфалияда шу йилнинг октябрь ойи давомида турмуш кечириш 6,1 процентга қиммат лашди. Мамлакатда газ, кўмир ва бошқа хил ёқилғиларнинг нархи яна оширилди. Квартиралар ни ижарага нархи ҳам кўтарилди.

Буэнос-Айресдан олинаётган хабарларда Аргентинада ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари ва рўзғор молларининг нархи ошиб бораётганлиги кўрсатилади. Шу йил 30 октябрдан бошлаб турли хилдаги ёқилғиларнинг нархи яна оширилган. Расмий маълумотларга кўра, мамлакатда кейинги 12 ой ичида турмуш кечириш қиммати икки баравардан ҳам ортиб кетган.

Японияда ўтган йилга нисбатан нарх-навонинг анча ошганлиги яққол кўзга ташланади. Токио ва Осака шаҳарларида шу йилнинг октябрь ойида ўтган йилнинг шу муддатига нисбатан нарх-навонинг 10 процентдан ҳам ошганлиги қайд этилади. Бош министр идораси статистика бюросининг хабарига қараганда мамлакатда айниқса озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи кўпроқ кўтарилган.

Бошқа қатор капиталистик мамлакатларда ҳам деярли шундай манзара ва фактларни кўриш мумкин.

РАНГ-БАРАНГ МЎЙНА

Ўрта Осиёдаги энг катта —Ангрен мўйначилик хўжалиги фермаларида етиштирилган қора, жигар ранг, кул ранг, новвот ранг кузан (Норка)ларнинг олтита териси «Центросоюз» ташкилотлари ўтказган мўйнали ҳайвонлар республикаларо кўргазмасининг дипломларига сазовор бўлди. Бу кўргазма шу хўжаликда 29 октябрь куни очилган ҳайвонпўнос олимлар ва мутахассислар кенгаши олдидан ташкил этилди. Кенгашда Ўрта Осиё республикаларида мўйнабоп ҳайвонларни катакда боқишни янада ривожлантириш ва маталубот кооперацияси системасида мўйначилик ишларини такомиллаштириш проблемалари муҳокама этилмоқда.

Ранг-баранг мўйналар кўриги—кенгашнинг асосий тадбирларидан бири. Кенгаш очилиши арафасида мамлакатнинг мўйначилик соҳасидаги энг таниқли мутахассиси, Москва ветеринария академиясининг профессори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Е. Д. Ильин бошчилигидаги махсус мўътабар жюри Мўйнақдан, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг мўйначилик хўжаликларидан Ангренга келтирилган кузан, шимол тулкиси ва жайдари тулкилар группаларини синчиклаб кўздан кечирди. Дипломлар ва қимматбаҳо совғаларнинг салкам учдан бир қисмини олишга сазовор бўлган Ангрен мўйначилари катта муваффақият қозондилар.

Бу хўжалик ташкил этилганига ўн йил бўлди. Ўша пайтда Ангрен яқинидаги тог этакларида 50 чоғлиқ жонивор сақланадиган дастлабки катаклар пайдо бўлди. Мўътадил зоналардан келтирилган мўйналарни Ўрта Осиёнинг иссиқ иқлимида боқиш тажрибаси ана шундай бошланди. Тажриба муваффақиятли бўлиб чиқди. Ҳозир хўжаликдаги ўрточи жониворлар ўн етти мингтадан ошиб кетди. Ҳар бир кузандан ўрта ҳисобда бешта бола олинди. Бу эса шу йилнинг ўзида рекорд миқдорда — қирқ мингта мўйна тайёрлаш имконини беради.

Ангренда кузан мўйнасини саноат асосида олиш Ўрта Осиёда биринчи марта амалга оширилди. Махсус лойиҳага мувофиқ қурилган комплекс составида қаторқатор кенг катаклар, холодильникли озуқа цехи, озуқа етиштирадиган экинзорлар бор. Хўжаликни бошқаришнинг илғор методларни қўлланиш катта фойда олишга имкон бермоқда. Бу йил камида олти юз минг сўм фойда олиниши ҳисоблаб чиқилди.

Кенгаш ишида Москва, Ўрта Осиё республикалари, Украина, Краснодар, Литвадан келган мутахассислар қатнашмоқдалар.

(ЎзТАГ).

АХБОРОТ

АНДИЖОН

МАИШИЙ ХИЗМАТ УЙИ

Андижон шаҳрида тўрт қаватли муҳташам бино қад кўтарди. Унинг пештоқига «Маиший хизмат уйи» деб ёзиб қўйилди. Бино замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бу ерда эркаклар, аёллар ва болалар учун ҳар хил кийимлар тикилади. Телевизор, холодильник, радиоприёмник ва бошқа рўзғор буюмлари ремонт қилинади. Маиший хизмат уйида буюртма қабул қиладиган ҳамда болаларни вақтинча боқиб турадиган хоналар ҳам бор. Уйида қарайдиган одами йўқ ота-оналар дам олиш кунлари фарзандларини шу ерда қолдириб кино ёки театрга бориб келишлари мумкин. Хуллас, бинода аҳолига 57 турда маиший хизмат кўрсатилади.

ШОФЕРЛАР МАКТАБИ

Область автомобиль мактабида йил бошидан буён 1510 нафар киши шоферлик касбини эгаллади. Дизель автомашиналарида ишлаш учун 30 нафар шофер ўқитилди. 180 кишига слесарлик гувоҳномаси берилди. Яқин келгусида бу шоферлик маҳорати мактаби автомобиль ўқув комбинатига айлантирилади. Бўлажак комбинат учун 3 гектар ер, 500 минг сўм пул ажратилди.

КЎРИК ҒОЛИБИ

Областда омонат кассаларнинг ишини яхшилаш бўйича жамоат кўриги ўтказилди. Андижон шаҳридаги 244-марказий омонат касса кўрик ғолиби деб топилди. Кассага область ижроия комитети ва касаба союзлари область Советининг Фахрий ёрлиғи берилди. Бу коллектив 3 процентли давлат заёми ва пўл-буюм лотереялари тарқатиш планини ортиғи билан бажарди. Касса ходимлари яхши ишлаганликлари учун шу йилнинг биринчи кварталида СССР давлат банки бошқармасининг пул мукофотини қўлга киритган эдилар.

«АНДИЖОН ЗАРКОКИЛИ»

Абдусаттор балиқчи районидаги «Қизил юлдуз» колхозида узоқ йиллардан бери қовун навларини кўпайтириш устида иш олиб борлпти. Полизчилик бригадасининг бошлиғи Абдусаттор Қодиров янги қовун нави яратди. У «Барги» навли қовунга «Печак ҳандалак»ни чатиштирди. Натижада ҳандалакка ўхшаш думалоқ, чиройли, кокила гулли, ўткир ҳидли ширин қовун пайдо бўлди. Абдусаттор Қодиров бу қовунга «Андижон заркокили» деб ном қўйди. 65 гектар ерда деҳқончилик қилган Абдусаттор Қодиров бригадаси давлатга 1100 тонна ширин-шакар қовун-тарвуз топшириб, планни ортиғи билан бажарди.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.



Кижи рус халқ санъати усталари яратган ноёб буюмлар маскани бўлиб қолди. Онега кўлидаги мазкур ороғчада бунёд этилган ва сақланаётган қадимий уй-жойлар, теграмонлар ҳамма вақт саёҳатчилар эътиборини тортади. Кижидаги кўпгина предметлар, манзарали нарсаларнинг бари ёғоч ҳандалак»ни чатиштирди. Натижада ҳандалакка ўхшаш думалоқ, чиройли, кокила гулли, ўткир ҳидли ширин қовун пайдо бўлди. Абдусаттор Қодиров бу қовунга «Андижон заркокили» деб ном қўйди. 65 гектар ерда деҳқончилик қилган Абдусаттор Қодиров бригадаси давлатга 1100 тонна ширин-шакар қовун-тарвуз топшириб, планни ортиғи билан бажарди.

Советлар мамлакатида

Бу ерга мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан туристлар, саёҳатчилар ташриф буюриб туришади. Кижидаги ёғочдан ўймакор қилиб ишланган қадимий рус меъморчилиги намуналарини Тошкент, Самарқанд, Нукус ва Бухороликлар ҳам томоша қилишга муяссар бўлишган. Суратларда: Кижи музей шаҳарчасидан олинган фотолавҳалар.

Ю. Апухтин фотолари.

ТАРБИЯСИЗ ТАРБИЯЧИЛАР

ФЕЛЬЕТОН

Умркул Абдурафиқовнинг боши айланиб қолди. 5-мактаб директорлигини-ку, амал-тақал қилиб ғилдиратиб юрган эди-я! Район халқ маорифи бўлимига мудир қилиб кўтаришгани қизиқ бўлди. Меҳнат ўқитувчиси В. Овчинниковни жиноят йўлидан қайтара олмаган бир одам қандай қилиб Оҳангарон районидаги барча мактаб ишларига раҳбарлик қила олсин?

В. Овчинников нима жиноят қилибди, дерсиз? Ўзи ишлаган 5-мактаб ўқувчиларининг дарсдан бўш вақтларида дала ишларида қатнашиб тошган 23 минг 608 сўмларини мактабнинг собиқ директори Умркул Абдурафиқов ҳамда кейинги директори С. Эргашевга билдирибми ёки билдирмайми ош қилиб юборди.

Абдурафиқовнинг бошига бахт қуши қўнгунича, Оҳангарон район халқ маорифи бўлимида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ажойиботлар бўлиб ўтганди. РайОНОнинг собиқ мудири Тўраев бошчилигида давлатнинг 85 минг 600 сўми қонунга хилоф равишда сарф этиб юборилди. Тўғрироғи, талон-тарож қилинди. Жиноятчилар қора курсида ястланиб ўтириб, қилмишларига яраша жавоб беришди.

Район халқ маорифи бўлимининг янги мудири Абдурафиқовга бу бир сабоқ бўлиши керак эди. Афсуски, аччиқ ҳақиқатнинг магзини чақиб кўрмади. Истаганича иш юритаверди. Оқибати вой бўлди. Районнинг қатор мактаблари ўқувчилари, хатто, ўқитувчилари ўртасида интизом бўшашиб кетди. Ўқувчиларнинг ярмидан кўпроғи фақат «3» баҳога ўқий бошлади.

Одатда, тарбиявий ишлар бўшашиб кетган жойда ўқишнинг ҳам мазаси бўлмайди, болалар қингир йўлга осонгина кириб кетаверадилар. Фақат шу йилнинг ўзида Оҳангаронлик бир неча ўқувчи безорилик қилгани учун ички ишлар бўлими болалар ҳонасининг махсус дафтарига ёзилдилар. Учинчи, тўртинчи, бешинчи, ўн иккинчи ҳамда ўн учинчи мактабларнинг баъзи ўқувчилари эса жиноят устида қўлга тушдилар. Ота-оналари ҳамда мактаб коллективининг назоратидан четда қолган бу болалар-ку, «болалик» қилгандир. Баъзи тарбиясиз тарбиячиларнинг ишларига нима десак бўлади?

Абдурафиқов ана шу ҳақда қаттиқ ўйланиб қолди.

— Ўқувчилар билан тарбиявий соатлар ўтказамиз, яхши натижалар беради. Шу методни тарбиясиз ўқитувчиларга ҳам қўлласак қандоқ бўларкин? Ёмон бўлмас...

Абдурафиқов шундай қарорга келди. Орадан кўп ўтмай тарбияси оғир муаллимларни бир мактабнинг алоҳида синф хонасига тўплашди. «Талабалар» кичик-кичик парталарда зўр-базўр ўтиришибди. Ўқитувчи стол олдида турган Абдурафиқов дарс бера бошлади:

— Ҳурматли талабаларим, — оҳиста сўз бошлади у. — Ҳа, мен сизларни талабалар дейишдан бошқа иложим йўқ. Сабаби, ҳали сизлар кўп таълим-тарбия олишларинг керак. Тарбияланмасдан тарбиячи бўлиб қолган экансизлар. Мана, масалан, музика мактаби ўқитувчиси Сотиболди Абдуллаевни олиб кўрайлик. Хотинига золимлик қилар экан. Ҳой, Сотиболди, кўзингни каттароқ оч!

Ҳамма Абдуллаевга бир бошқача тиржайиб қаради. Нотиқ «дарси»ни давом эттирди:

— Ҳой, сен ким эдинг?— орқароқдаги йигитга ишора қилди.

— Менми, Умрзоқ Жўраев бўламан.

— Ҳа, балли! 31-мактаб ўқитувчиси Умрзоқ бўласан. Безорисан! Хўш, сенга ким ҳуқуқ берди бундай қилишга?!

Жўраев миқ этмади. Девордан садо чиқса чиқарди-ю, ундан чиқмасди.

Абдурафиқов 43-мактаб ўқитувчиси Турғун Соғибоева ишора қилди:

— Ҳой, тур ўрнингдан!

Турғун парталар оралигидаги очиқ жойга чиқди.

— Хўш, «Галлақудуқ» совхозида нима қилиб довдираб юрган эдинг?

— Ўзим, шундоқ...

— Шундоқ эмас, пичан ўмаргани боргансан! Миличиядан хушхабар келди, 7 тонна хашак ўғирлабсан!

Абдурафиқов тарбия кўрмаган тарбиячиларни эринмай ўқитди. «Тарбиявий соат» узоқ давом этди. Эндигина у синфдан чиқай деганида, «талабалари» йўлини тўсишди.

— Қани, энди мана бу партага сиз ўтиринг, биз ўқитамиз!

— Тинчликми? — Абдурафиқовнинг ранги ўчди. — Нима қилмоқчисизлар?

— Ўқитамиз! Ўқитамиз! — паст-баланд товушлар эшитилди.

Абдурафиқов ноилож охирги каттароқ партага бориб ўтирди. Бир йигит минбарга чиқди-да, баралла сўз бошлади:

— Ҳозиргина ўртоқ Абдурафиқов бизни қаттиқ танқид остига олдилар. Майли, камчиликларимизни тўғрилаймиз. Лекин ўзлари-чи? Ўзлари бўлоқ сувидай тозамилар? Ўзбошимчалик билан ойлик маошларини ошириб, 1700 сўмни чўнтакларига ўрганлари ёлғонми?! Жиноятчининг изини хиёнатчи сезар экан. Ёш табиатшунослар станцияси директори Бектемиров 312 сўмни бировларнинг номига ёзиб, ҳазм қилиб кетди. Шунинг ўзи бўлса, кошки эди. Бектемиров ишламаган тўғраклари ишлади, деб 6 ой мобайнида ўзига 480 сўмни, рафиқасига икки ярим ойда 168 сўмни қалбаки ҳужжатлаштириб олди. Шу йўл билан район халқ маорифи бўлими катта инспектори Султонбековга 854 сўм узатилди.

— Тома-тома кўл бўлар экан, — сўзида давом этди «нотиқ». — Ҳурматли Абдурафиқов, сиз ва сизнинг холис хизматчиларингиз бошчилигида 123 минг 300 сўм йўқ қилинди. Шундан 35 минг 500 сўми камомат ҳамда ўғирликка кетган экан. Хўш, қани бир инсоф билан айтингчи, қайси биримизнинг гуноҳимиз катта, сизникими ёки бизларникими?!

Умркул Абдурафиқов «тарбиявий соат» шунчалик қизғин ўтар, деб сира ўйламаган эди. Мулзам бўлиб ташқарига чиқди. Бенхтиёр кўкка қараса, Оҳангарон тоғлари устида эсаётган тўда-тўда булутлар ҳам унга қовоқ солаётгандек, ҳолинг қалай, деяётгандек эди.

Абдурафиқов шу кетганича кетди. Қарабсизки, шу-шу Оҳангарон район халқ маорифи бўлими биносидаги кабинетига қайтиб кирмади. Ўрнига бошқа одам тайинланди.

Ҳомийларига балли! Уни ранжитишмади. Ҳозир Абдурафиқов «1-Оҳангарон» совхозининг тўртинчи бўлимига бошқарувчилик қилмоқда. Қайдам, бу ердаги ишларни қандай бошқарор экан?

Усмон ЮСУПОВ.

Спорт. Спорт. Спорт.

СОВРИН ДИНАМОЧИЛАРДА

«Социалистическая индустрия» газетаси соврини учун мамлакат кучли велосипедчиларининг кўп кунлик пойгаси ҳам шахсий, ҳам команда ҳисобида чемпион ва совриндорларни аниқлаб берди. Ёмғир ёғиб тургани учун ҳам сўнгги, Ангрен—Тошкент босқичини ўтиш осон бўлмади. Шу боисдан бу хил пойгада илк марта қатнашган минсклик динамочи Юрий Дайбов ғалаба қилганидан ниҳоятда шод экани табиий.

«Ёшлик» спорт аренасида ўн икки босқич ғолибига, шу жумладан Ю. Дайбовга «Социалистическая индустрия» газетасининг махсус совринлари топширилди. Асосий соврин эса «Динамо» спорт жамияти терма командасига тегди. Шахсий ҳисобда шу команда пешқадами тартулик А. Пиккуус ғолиб деб топилди. Республикамиз вакилларидан М. Первеев бешинчи, А. Савкин олтинчи ўринларни олдилар.

Умуман 1736 километрлик пойга масофасини ўтиш осон эмасди. Спортчидан зўр чидам, жисмоний ва тактик тайёргарлик, матонат талаб қилерди. Бу хил синовларга дош бера олмаганлар ҳам бўлди. Дастлаб стартга чиққан 94 пойгачидан 15 нафари «йўл-йўлакай» мусобақадан чиқиб кетганини айтиш кифоя. Ғолиблар қатори медаль ва соврин олмагач пойгачилар шарафига ҳам «Ёшлик» спорт аренасида олқишлар янграгани шундан.

Совриндорларни мукофотлаш маросимидан сўнг собиқ пойгачи, хизмат кўрсатган спорт мастери, СССР терма командаси, бош тренери В. Капитоновдан мусобақа ҳақидаги таассуротларини сўрадик.

— Пойганинг дастлабки икки босқичини кўриш насиб этмади,— деди у.— Аммо, масофенинг қолган қисмидаги кураш шашти, спортчиларнинг йўл ва пойга машаққатларини енгишда зўр ирода кўрсатганларини алоҳида эътироф этиш ўринлидир. Узбекистон спортчилари Михаил Первеев билан Александр Савкин мамлакат терма командаси номзодлигига муносиб экан. «Меҳнат» командасининг 16 коллектив орасида тўққизинчи ўринни олганини ҳам ютуқлар қаторига қўшиш мумкин. Кулай иқлим шароити, ёшларда спортнинг бу турига қизиқиш катталиги республикамизда бундан буён ҳам маҳоратли велосипедчилар етишиб чиқаверади дейишга асос бўлади. Зеро Узбекистон ҳамиша велопойгачилари билан ҳам донг таратиб келган. М. Колюшев, А. Юдинлар номини айтиш кифоя.

Р. ҚОСИМОВ.

ҚАНЧА ЛАЙЛАК БОР?

ҲАР ТЎҒРИДА

Лайлакларнинг сўнгги тўдаси Белоруссиядан жануб томонга учиб кетмоқда. Бу йил кўкламда учиб келганига нисбатан анча кўпроқ лайлак Полесьедан қайтиб кетди. Брест областининг ўзидагина 1250 та лайлак уя қурди. Бу уларда 11 мингдан зиёд полапон очди.

— Оқ лайлак — инсоннинг содиқ ва қадимий йўлдоши,— деди табиатни муҳофаза қилиш область инспекциясининг бош овшунос инженери С. И. Кушнерук.— Лайлаклар Полесье қишлоқларида эски уйларга, дарахтларга ёки сим ёғочларга қадимдан уя қуриб келади. Эски борона ва гилдираклар ҳам лайлакларга одатда уя қуядиган жой бўлиб келган.

Табиат ҳоҳкуярлари оқ лайлак тобора камайиб кетаяпти деб ғам-ғам яқинларгача ташвиш тортардилар. Кўпгина лайлаклар жанубга учиб кетгандан кейин баҳорда уя қўйгани қайтиб келмасди. Эндиликда лайлаклар анча кўпайди. Бунга баҳор об-ҳавосининг қулай келганлиги ёрдам берди. Ўтган йили кузги сув тошқинидан кейин Полесье дарёлари ва кўларида узоқ вақтгача сув камаймади. Бу эса лайлакларнинг озуқаси мўл бўлишини таъминлайди, уларнинг «оила» қуришлари учун қулай шароит яратиб беради.

Шу атрофдаги аҳоли ёз фасли мобайнида уясидан тушиб кетган ёки бошқа бир бахтсизликка учраган бирмунча лайлак полапонларини парвариш қилишди. Улар лайлаклар учиб кетадиган фурсат келганида катта бўлиб бошқа лайлаклар билан бирга иссиқ ўлкаларга учиб кетди.

П. СУСИКОВ,
ТАСС мухбири.
Брест.

ҲАР ҚАНДАЙ БЎРИ ҲАМ ҚУШАНДАМАС

Ҳамма бўри итнинг, ит мушукнинг ашаддий душманлари деб ҳисоблайди. Лекин Гродноданги Поречье қишлоғи аҳолиси бошқача фикрда. Дарвоқе, маҳаллий ўрта мактаб директори Ф. И. Сягло ҳонадонида бўлган ҳар бир киши Мухтор лақабли бўри, Пират лақабли ит ва Ёшка лақабли мушук иноқ дўстлар эканлигига қаноат ҳосил қилишлари мумкин.

Поречье қишлоғининг овчилари шу йил баҳорда ўрмонда бўри боласини кўриб қолдилар. Ф. И. Сягло бўри боласини «тарбиясиз»га олди. Ҳонадонда кўпдан буён юрган ит билан мушук янги меҳмонни турлича кутиб олдилар. Пират ўрмондан келган меҳмонни бурдалаб ташлашга тайёр бўлса, Ёшка қўрқанидан дарахтга чиқиб олди.

Ўқитувчининг қизи Света билан қўшниларинг болалари бўри боласини сут бериб боқдилар. Бўри боласини пиширган гўшт, нон ва бошқа таомларни ейишга ўргатдилар. Мухтор тез ўсиб болалар билан иноқлашиб кетди, бўри боласи Пират билан ҳам, Ёшка билан ҳам дўстлашди. У ҳали бирор марта ҳам уйдан ўзбошимчалик билан кетиб қолгани йўқ. Бўри боласи, ит ва мушук билан битта идишдан овқатланишади. Дўстлар бирга ўйнайдилар. Жониворлар болаларининг ҳамроҳлигида биргаликда сайр қилади.

К. БОЛОТЕВИЧ,
ТАСС мухбири.
Минск.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Реклама ва эълонлар

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА ИЛҒОР ИШЧИЛАР, КОЛХОЗЧИЛАР ВА ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ УТАБ ҚАЙТГАН ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР—саноат корхоналари, алоқа ва транспорт ташкилотлари, қурилишлар, колхозлар, совхозлар ва ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан берилган йўлланма билан қабул қилинадилар.

ЎРТА МАКТАБНИ БИТИРГАНДАН СЎНГ КАМИДА БИР ЙИЛ ИШ СТАЖИГА ЭГА БЎЛИШ ЛОЗИМ.

Йўлланма билан келганлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: институт ректори номига ёзилган ариза, 2- ёки 3-формадаги йўлланма, ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), характеристика, 286-формадаги медицина справкаси, бош кийимсиз тушилган 3х4 см. катталикдаги 6 дона фотосурат, меҳнат ёки колхоз дафтарчасидан кўчирма (тасдиқланган).

Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар ўзлари билан бирга паспорт (ёки справка), ҳарбий билет, партия, комсомол ва касаба союз ҳужжатлари, хизмат характеристикаси, ҳарбий қисмдан 2-формадаги йўлланма топширадилар.

УҚИШ МУДДАТИ — 8 ОЙ.

Тайёрлов бўлимини муваффақиятли тугатганлар институтнинг биринчи курсига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар. Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

ҲУЖЖАТЛАР — 10 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ; СУҲБАТ 20—25 НОЯБРЬ КУНЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ; 25—30 НОЯБРЬ КУНЛАРИ ТИНГЛОВЧИЛИККА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адреслар: 700045, Тошкент шаҳар, Оборонная кўчаси, 1-уй; Ашхобод шаҳар, Камина кўчаси, 68-уй, филиал; Олмаота шаҳар, Т. Шевченко кўчаси, 97-уй, филиал.

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
1975—76 ўқув йили учун
ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА ИЛҒОР КОЛХОЗЧИЛАР, ИШЧИЛАР, СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ УТАБ ҚАЙТГАН ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР — колхозлар, совхозлар ва ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан берилган йўлланма билан қабул қилинадилар.

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА КИРУВЧИЛАР, ЎРТА МАКТАБНИ ТУГАТГАНДАН СЎНГ КАМИДА БИР ЙИЛ ИШ СТАЖИГА ЭГА БЎЛИШЛАРИ КЕРАК.

ИНСТИТУТ: агрономлар, агрохимиклар ва тупроқшунослар, мева-сабзавотчилар, ипанчилар, ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича агрономлар, ташкилотчи иқтисодчилар, бухгалтер-иқтисодчилар (қишлоқ хўжалигида) ва ўрмон хўжалиги инженерларини тайёрлайди.

Тингловчилар ётоқхона, стипендия (йўлланма билан келганларга 15 процент кўп) **билан таъминланадилар.**

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАТГАНЛАР ИНСТИТУТНИНГ БИРИНЧИ КУРСИГА КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: институт директори номига ёзилган ариза, белгиланган намуна бўйича йўлланма, умумий мажлис протоколидан кўчирма, ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), характеристика, 286-формадаги медицина справкаси, бош кийимсиз тушилган 3х4 см. катталикдаги 6 дона фотосурат, меҳнат дафтарчасидан кўчирма.

ҲУЖЖАТЛАР — 10 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Суҳбат ва тингловчиликка қабул қилиш — 25—30 ноябрь кунлари ўтказилади.

УҚИШ МУДДАТИ — 8 ОЙ.

Машғулотлар 1 декабрдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Оржоникидзе район, «Институт алоқа бўлими», Ялангоч қишлоғи. Телефон: 62-32-26.

Телевидение

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.05 — Адабий викторина. 18.30 — **«Ахборот».** 18.45 — Москва цирки—меҳмонимиз. 19.25 — Идеология ва ҳаёт. 19.55 — **«Ахборот».** 20.15 — **Пахтазор — мардлар майдони.** 20.35 — **Телениниятюралар.** 21.15—МОСКВА. **Футбол: «Динамо»** (Тб.)—**«Динамо»** (М). 22.45 — **Пазанда** (бадиий фильм). 24.00 — **«Вақт». ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Рустам ҳақида достон (эпик оратория). 11.00 — **Оламга саёҳат.** 12.00 — Кувноқ воқеалар (телетеатр). 12.50 — Ўқитувчилар учун консультация. 13.20 — Ўқув кўрсатуви. 13.50 — Киноэкран янгиликлари. 14.20 — **Комиссия** (спектакль). 18.00 — МОСКВА. Мультфильмлар. 18.30 — Телефильм. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Опера билан учрашув. 21.05 — Илмий-оммабоп фильм. 21.15 — **Санников ери** (бадиий фильм). 22.45 — Концерт. 23.00 — **Киносаёҳатчилар клуби. УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.00 — ДУШАНБА.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/XI да **Абу Райхон Бируний.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 2/XI да **Кўнгли ёш қарилар.** 3/XI да **Қонли тўй.**

ШАПИТО ЦИРКИДА — **МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ** (15.00, 19.00).

Кино

Оддий муҳаббат — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда).

Бўлиши мумкин эмас — «МОСКВА», «НУКУС», «ЧАПКА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Бекатда уч соат — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (жуфт соатларда). «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда).

Хато бўлиши мумкин эмас — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Севишганлар ҳақида қисса — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Узбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ҚОН ҚУЙИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ЛАБОРАТОРИЯЛАР БЎЙИЧА:

раҳбарлар: қонни консервалаш ва криобиология, қон ўрнини босадиган группалар билан патофизиология, электрон ли микроскопия группаси, қонинг қуюлишини ўрганиш бўйича, қон ўрнини босадиган группалар;

катта илмий ходимлар: патофизиология, қон ўрнини босадиган группалар, консервалаш, ғоя суягини кўчириб ўтказиш ва радиобиология, биохимия лабораторияси (2), цитология лабораторияси, гематология клиникаси;

кичик илмий ходимлар: рентгенли-радиоизотоп диагностикаси группаси, болалар гематологияси бўлимлари, биохимия лабораторияси (2), консервалаш, ғоя суягини кўчириб ўтказиш ва радиобиология (2), қонлар группасини стандартлаш ва иммуногематология, қонни консервалаш ва криобиология (2), патофизиология (2), қон ўрнини босувчилар группаси, постгрансфузион гепатитни ўрганиш ва профилактикаси бўйича (3), болалар гематологияси бўйича клиника ординатори.

Конкурс муддати — 21 ноябргача.

Қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри-50, Шота Руставели кўчаси, 133-уй, илмий секретарга учрашилсин.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000 ГСП Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР Коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142.

Р. — 20028. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмаҳонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 257.